БУГУНГИ СОНДА:

“Қурилиш ресурслари миллий классификатори” лойиҳаси ишлаб чиқилди



2-бет

Бухорада замонавий бошқарув компаниялари ташкил этилди



2-бет

Мономарказ: ишлашни истовчилар учун имконият



3-бет

РАМАЗОН
қалблар уйғониши, яшашга, янгиланишга, эзгу амаллар қилишга иштиёқ ортиши фурсати



4-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 24 (577)
2022 йил 5 апрель, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИНИ ИШОНЧЛИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИ КЕСКИН КАМАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида кенг қамровли ташкилий-амалий ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ўлимга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳали ҳам юқори бўлиб, автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, йўл инфратузилмасини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги қоидабузарликларнинг барвақт профилактикасига йўналтирилган самарали тизимни йўлга қўйиш, шунингдек, инсон омилини истисно қилувчи рақамли технологияларни кенг жорий этиш талаб этилмоқда.

2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, шунингдек, **Янги Ўзбекистон** шароитида автомобиль йўлларида инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳар қандай ҳодисалардан кафолатли ҳимоя қилиш **мақсадида**:

1. Қуйидагилар мамлакатимизда **йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб йўналишлари** этиб белгилансин:

автомобиль йўллари **инфратузилмасини такомиллаштириш** ва **уларнинг сифатини яхшилаш**, йўл ҳаракати иштирокчиларининг **“пиёда – жамоат транспорти – велотранспорт – автотранспорт”** устуворлиги асосида **хавфсиз ҳаракатланиши** учун ишончли шарт-шароитлар яратиш;

**ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш** тизимига инновацион педагогик технологияларни жорий қилган ҳолда, ўқув жараёнини **сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш**;

ҳайдовчи ва пиёдаларнинг **йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш**, ҳар қандай қоидабузарлик учун **жазо муқаррарлигини таъминлаш**;

**йўл ҳаракати қоидалари** асосларини болаликдан сингдиришни йўлга қўйиш, ушбу амалиётни **мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида** жорий этиш;

йўл ҳаракатини ташкил этишни **тўлиқ рақамлаштириш**, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилган ҳолда, янги **бошқарув ва назорат тизимларини татбиқ қилиш**.

2. **Йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш** ҳамда уларни **такроран бузиш ҳолатларининг олдини олиш** мақсадида **2022 йил 1 декабрдан бошлаб** қуйидаги тартибни назарда тутувчи ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун **жарима балларини ҳисоблаш тизими** жорий этилсин:

ҳар бир йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун 12 ой давомида алоҳида жарима баллари ҳисоблаб борилади;

ҳисобланган жарима баллари белгиланган миқдордан ошган ҳолларда ҳайдовчи маълум муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ўрнатилган тартибда маҳрум қилинади;

муайян давр мобайнида йўл ҳаракати қоидабузарлиги содир этмаган ҳайдовчиларга кейинчалик ҳисобланган жарима балларини қисқартириш орқали рағбатлантириш чоралари қўлланилади.

Ички ишлар вазирлиги (П. Р. Бобожонов), Адлия вазирлиги (Р. Қ. Давлетов) **бир ой муддатда** илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизимини жорий этишни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини киритсин.

3. **Ҳайдовчиларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш** мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи барча таълим муассасалари (кейинги ўринларда – автомактаблар) ва имтиҳон марказларига фаолиятни амалга ошириш учун **лицензия Ички ишлар вазирлиги томонидан берилади**;

автомактабларнинг инновацион педагогик технологияларга асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг ўқитувчи, ҳайдовчи-йўриқчи ва мураббийларини шартнома асосида **қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан амалга оширилади**.

Ички ишлар вазирлиги (А. И. Икрамов, Б. Т. Абдуллаев):

**бир ой муддатда** автомактаблар ва имтиҳон марказларига қўйиладиган **талаб ва мезонларни қайта кўриб чиқиб**, уларнинг ўқув фаолияти сифатини оширишга қаратилган қатъий чораларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

**икки ой муддатда** Ички ишлар вазирлиги Академиясида автомактабларнинг ўқитувчи, ҳайдовчи-йўриқчи ва мураббийларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш билан боғлиқ барча зарур ўқув-услубий ва моддий-техник базани яратсин.

**Ички ишлар вазири П. Р. Бобожонов зиммасига** автомактаблар ва имтиҳон марказлари фаолияти бўйича янги жорий этилаётган тизимни самарали йўлга қўйиш ҳамда ҳайдовчиларни сифатли тайёрлашни ташкил этиш бўйича **шахсий жавобгарлик юклансин**.

4. Белгилансинки:

а) Нукус ва Тошкент шаҳарлари, вилоятлар марказларида чорраҳаларни тўлиқ **рақамли бошқарув тизимига** ўтказиш бўйича **шахсий масъулият** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар **ҳокимлари зиммасига юкланади**;

б) Нукус ва Тошкент шаҳарлари, вилоятлар, туман (шаҳар)лар марказларида **йўл белгилари, кўрсаткичлари ва светофорларни ўрнатиш, йўл чизиқларини чизиш, пиёдалар ўтиш жойларини белгилаш** орқали **йўл ҳаракати воситаларини тартибга солиш**га ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари (кейинги ўринларда – йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари) **масъул ҳисобланади**;

2-бет

# ЯНГИ АНДИЖОНДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ АВЖИДА





Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ (ЎзА) олган суратлар.

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, Андижон туманидаги адирликларда янги шаҳар қуриш ташаббусини илгари сурган эди.**

440 мингга яқин аҳоли яшаши мумкин бўлган Янги Андижон шаҳри қурилишига ўтган йили июнь ойида тамал тоши қўйилди. Айни кунларда янги шаҳарнинг биринчи босқич доирасидаги қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Умумий майдони 4 минг гектарни ташкил этадиган шаҳарнинг 1 минг 144 гектар майдонида турар жойлар қад ростлайди. Шунингдек, 215 гектар майдонда савдо, 240 гектарда хизмат кўрсатиш, 76 гектарда саноат корхоналари, 1 минг 942 гектар майдонда яшил ҳудудлар барпо этилади.

Янги шаҳар лойиҳаси 8 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 3 минг 310 хонадонли 170 та кўп қаватли уй-жой, 1 минг 680 ўринли мактаб, 385 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 200 қатновли поликлиника қурилади. Шунингдек, ҳудудда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилади.

# “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИДА БУНЁДКОРЛИК ҚИЗҒИН

**Зариф КОМИЛОВ,**
ЎзА мухбири.

**Бухоро вилояти Қоракўл туманида жорий йилдан бошлаб уй-жойлар, ишлаб чиқариш, саноат ва ижтимоий инфраструктура объектларини ўз ичига олган “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этилмоқда. Бунда эҳтиёжманд оилаларга бошланғич ва фоиз тўловлари учун вилоят бўйича йилига 120 миллиард сўм субсидия ажратилади.**

Муқаддас Рўзаи Рамазон ойи арафасида Қоракўл тумани ҳокими Хуршид Тоҳиров бошчилигидаги сектор раҳбарлари, нуронийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари “Янги Ўзбекистон” массиви биноларининг қурилиш жараёнига рамзий тамал тоши қўйди. Туман раҳбари массив лойиҳаси билан танишди. Қурилиш жараёнига замон талабларидан келиб чиқиб ривожланган давлатлар тажрибасини жорий қилиш таклифини берди. Аҳоли учун зарур инфраструктурани яратиш ва энергия тежамкор ресурслардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Қуръон тиловат қилиниб, янги қурилажак бино ва иншоотлар туман кўркига кўрк қўшиш баробарида, аҳолининг фақат ва фақат бахтли кунларига хизмат қилишини сўраб, дуога қўл очилди.

Мутасаддилар бу ерда қад ростлаётган кўп қаватли уйлар, аҳоли учун яратилаётган шарт-шароитлар, ижтимоий объектларни кўздан кечирди. Қоракўл туманида аҳолини арзон ва қулай турар жой билан таъминлаш мақсадида кўп қаватли уйлар қуриш ишлари шиддат билан давом этмоқда. “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК Бухоро вилояти филиали иштирокида “Қоракўл” МФЙ ҳудудидан “Қораун иншоот” МЧЖ ва “Шукуржон она” МЧЖ томонидан 2 та кўп қаватли 60 хонадонли уй-жойлар қурилмоқда. Ҳозирда иккала уй-жойларнинг ҳам 5-қаватида ғишт териш ва том қисмини ёпиш ишлари тугатилди. Айни вақтда ички ва ташқи пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилда “Қишлоқ қурилиш инвест" ИК Бухоро вилояти филиали иштирокида “Қоракўл” МФЙ ҳудудидан “Юксак Бунёдкор Орзуси” МЧЖ ва “Бобир Нодир Муҳандис” МЧЖлари томонидан қўшимча 2 та кўп қаватли 40 хонадонли уй-жойларда қурилиш ишлари давом эттирилмоқда.

2-бет

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

# НИЗОМ ҲУДУДИЙ ИНСПЕКЦИЯЛАР УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАДИ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қурилиш вазирининг 2022 йил 10 мартдаги 38-сон буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан ўтказиладиган бино ва иншоотларнинг инструментал техник текширув ишларини баҳолашнинг ягона ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказилган мазкур низом асосида ишларни тўғри ташкил этиш бўйича ҳудудий инспекцияларнинг масъул ходимлари иштирокида Инспекция марказий аппарати ташаббуси билан ўқув-амалий семинар ташкил этилди.**

Семинарни Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи Козим Туляганов очиб бериб, янги тартибнинг асосий мазмуни ва талаблари ҳақида тушунтирди.

– Бу семинарни ўтказишдан мақсад, янги қабул қилинган низомни ҳудудий инспекция ходимларига етказиш, келгусида мазкур низом асосида ишларни тўғри ва аниқ ҳисоб-китоблар бўйича ташкил этишни тушунтириш, инспекциянинг иш унумдорлигини оширишга эришишдан иборат, – деди Ахборотларни таҳлил қилиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи Шерзод Низамов. – Семинар давомида мутахассислар томонидан ҳудудий инспекция ходимларига амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан низом билан ишлаш, инструментал техник текширув ўтказиш асослари ва тартиби, ўтказилган инструментал техник текширув ишларини баҳолашнинг ягона ҳисоблаш тартиби юзасидан батафсил тушинтиришлар берилди. Эндиликда улар ҳудудларда янги тартиб бўйича назорат ишларини олиб боришади.

2-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№24 (577) 2022 йил 5 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИНИ ИШОНЧЛИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИ КЕСКИН КАМАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-бет

в) **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари** Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Х. Шерматов), Ички ишлар вазирлиги (П. Р. Бобожонов) билан биргаликда **икки ой муддатда**, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида инвесторларни жалб қилган ҳолда, чорраҳаларда **рақамли бошқарув тизимини** қуйидаги даврларда жорий қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни белгилайди:

**2023 йил якунига қадар** пойтахтнинг барча чорраҳаларида, шунингдек, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларининг йирик асосий серқатнов чорраҳаларида;

**2024 йил якунига қадар** Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларининг барча чорраҳаларида;

г) туман (шаҳар) ҳокимликларига ўз ҳудудларидаги автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган фото ва видео дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилади. Мазкур дастурий-техник воситалар орқали қайд этилган қоидабузарликлар учун жарима суммасининг **30 фоизи бевосита туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига йўналтирилади** ҳамда ушбу маблағлар йўл ҳаракатини рақамлаштириш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, йўл-патруль хизмати ходимларининг қўшимча штатларини киритишга сарфланади.

**Ички ишлар вазирлиги (Б. Т. Абдуллаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари** билан биргаликда **бир ой муддатда** транспорт ва пиёдалар оқими, пиёдалар билан боғлиқ содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили асосида туманлар ва шаҳарлардаги аҳоли гавжум ҳудудларда пиёдалар ўтиш жойларига **пиёдалар бошқарадиган светофорларни 2023 йил якунига қадар** ўрнатилишини назарда тутувчи манзилли дастурни тасдиқласин ва ижросини тўлиқ таъминласин.

5. Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги **таклифлари маъқуллансин**:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг **махсус эксплуатация-монтаж бўлинмалари** ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг **Йўл ҳаракатини ташкил этиш марказини** (кейинги ўринларда – эксплуатация-монтаж бўлинмалари) **икки ой муддатда** тегишинча ҳудудий ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ҳузурига ўтказиш;

ички ишлар вазирига йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан малакали хорижий мутахассисларни **маслаҳатчи сифатида шартнома асосида жалб қилиш** ҳуқуқини бериш;

"Uzavtomotobelgi" давлат унитар корхонасида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ушбу соҳада рақобат муҳитини шакллантириш;

Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тузилмасида **Йўл инфратузилмасини назорат қилиш бошқармаси**ни, ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари тузилмаларида йўл инфратузилмасини назорат қилиш бўлимларини ички ишлар органларининг чекланган штат бирликлари ҳисобидан ташкил этиш.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари эксплуатация-монтаж бўлинмаларини йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ҳузурига ўтказишда:

эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг бино ва иншоотларини, уларнинг ёндош ҳудудлари, моддий-техника базасини, шу жумладан, **янги замонавий махсус техника билан таъминлаган ҳолда топшириш** чораларини кўрсин;

эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг мавжуд кредитор ва дебитор қарзлари тўланишини, маънан эскирган ва яроқсиз ҳолга келган моддий-техника воситалари ҳисобдан чиқарилишини таъминласин.

Ички ишлар вазирлиги (Б. Т. Абдуллаев):

**икки ой муддатда** эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг фаолиятини тартибга солувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

эксплуатация-монтаж бўлинмалари тегишли бино ва иншоотлари, уларнинг ёндош ҳудудлари, зарур моддий-техника базаси билан таъминланган ҳолда қабул қилинишини ташкил этсин;

**уч ой муддатда** эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиб, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини тўлиқ ўрнатиш ва уларнинг доимий ишлашини таъминлаш бўйича янгича иш усулларини жорий этсин.

Молия вазирлиги (Т. А. Ишметов) **бир ой муддатда**:

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда эксплуатация-монтаж бўлинмалари бошлиқлари ва уларнинг бир нафар ўринбосари лавозимлари ушбу бўлинмаларнинг мавжуд штат бирликлари ҳисобидан офицерлик таркибидаги ходим лавозимларига ўзгартирилишини таъминласин;

ушбу қарорга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг харажатлар сметаларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. **2022 йил 5 апрелдан бошлаб** Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда "**Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда**" республика жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

1-иловага мувофиқ миқдорларда йўл ҳаракатини ташкил этиш соҳасида ундириладиган жарима, олинадиган йиғим ва тўловлар;

эксплуатация-монтаж бўлинмалари учун ҳар йили бюджет параметрларида дастурлар асосида алоҳида тадбирлар учун кўзда тутиладиган маблағлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига депозит ҳисобрақамларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

давлат, хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан ажратиладиган грантлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ва хайрия тарзидаги маблағлари;

халқаро молиявий институтлар ва банклар томонидан ажратиладиган кредитлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари фақат қуйидагилар учун **мақсадли сарфланади**:

йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ўрнатиш учун белгиланган конструкция ва қурилиш материаллари ҳамда махсус бўёқларини харид қилиш;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларида йўл чизиқларини чизиш, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш, алмаштириш, сақлаш, демонтаж қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни молиялаштириш;

эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, замонавий махсус техника воситалари билан таъминлаш, уларга иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда маълум муддатга қўшимча штатлар киритиш, шартномалар асосида мутахассисларни жалб қилиш, уларнинг ходимлари, ишчи ва хизматчилари учун ҳар ойлик ва бир марталик рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштириш;

мактабгача таълим ҳамда халқ таълими вазирликларига қарашли мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим муассасаларининг тарбияланувчи ва ўқувчиларида йўл ҳаракати қоидалари бўйича бошланғич билимларни шакллантиришга қаратилган моддий-техник ва ўқув базасини яратиш, шунингдек, маҳаллаларда болаларга йўл ҳаракати қоидаларини амалий ўргатиш майдончаларига йўл белгиларини ўрнатиш ва йўл чизиқларини чизиш чора-тадбирларини молиялаштириш.

8. Автомобиль йўлларида ҳаракатни ташкил этиш, бошқариш ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида **Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссияси** ва унинг ҳудудий махсус комиссиялари (кейинги ўринларда – махсус комиссиялар) 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тузилсин.

Махсус комиссиялар зиммасига қуйидаги **асосий вазифалар** юклатилсин:

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ишончли ҳимоя қилиш, йўл инфратузилмасининг хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш;

ҳудудларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини мунтазам равишда баҳолаб бориш, ушбу соҳада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг самарали фаолият кўрсатишини назорат қилиш;

йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини чуқур ўрганиш, йўлларнинг **хавфли авария участкалари** рўйхатини тасдиқлаш орқали келгусида уларнинг олдини олиш юзасидан илмий асослантирилган таклифлар тайёрлаш тизимини яратиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, инсон омили ва коррупция ҳолатларини истисно этувчи автоматлаштирилган назорат тизимларини оммалаштиришга доир тадбирларни белгилаш;

ҳудудларда йўл инфратузилмасини яхшилаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини қисқартириш бўйича дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкиллаштириш ва келишиш.

**Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссияси тўғрисидаги низоми** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика махсус комиссияси (А. Н. Арипов):

**бир ой муддатда** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари раислигида ҳудудий махсус комиссияларнинг намунавий низомини тасдиқласин;

**ҳар чоракда** давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларни, мавжуд камчиликларни **танқидий муҳокама** қилиб борсин ва тегишли чоралар кўрилишини таъминласин;

**ҳар йили** маҳаллий ҳокимликларнинг ўз ҳудудларида автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш ва йўл-транспорт ҳодисаларини кескин камайтириш бўйича аниқ механизмларни назарда тутувчи манзилли чора-тадбирларини ўз ичига олган "йўл харита"ларини тасдиқлаб, уларнинг ижроси устидан қатъий назорат олиб борсин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари махсус комиссияларнинг ишчи органи ҳисобланади;

ишчи органлар мунтазам равишда тегишли давлат органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга ошираётган ишларини таҳлил қилиб боради ва махсус комиссияларнинг йиғилишларида муҳокама қилиш учун ҳужжатларни тайёрлайди;

ҳудудий махсус комиссиялар **ҳар ойда** йўлларнинг ҳолати ва мавжуд инфратузилма, авария ўчоқлари, қоидабузарликларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, ҳаракат хавфсизлиги, транспорт ва йўл соҳаларига масъул идоралар раҳбарлари фаолиятини танқидий ўрганади, **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига муҳокама қилиш учун киритади** ва натижалари бўйича республика махсус комиссиясига ҳисобот тақдим этади.

10. Ҳудудларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини баҳолаш ва бу борада маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида **2022 йил 1 июлдан бошлаб**, республиканинг барча туман (шаҳар)лари кесимида **"Хавфсиз йўл" индекси** (кейинги ўринларда – индекс)ни юритиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Белгилансинки:

индекс доирасида йўл инфратузилмаси ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишининг ҳолати махсус комиссиялар томонидан 5-иловага мувофиқ 29 та **индикатор бўйича ҳар чорак якунида** баҳолаб борилади;

туман (шаҳар)лар индекс кўрсаткичлари асосида йўлларда ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишнинг ҳолати бўйича "**яшил", "сариқ" ва "қизил" тоифаларга ажратилади**;

индексни юритиш вазифаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари зиммасига юкланади.

Вазирлар Маҳкамаси (А. Н. Арипов) **икки ой муддатда** етакчи илмий ташкилотлар, олимлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда, индексни **юритиш методологияси** ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

11. Ички ишлар вазирлиги (П. Р. Бобожонов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш мақсадида "**Умр тезликдан муҳимдир**" ва "**Хавфсизлик камари – ҳаёт гарови**" шиорлари остида комплекс тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этсин;

б) **бир ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, ўқувчилар орасида **йўл ҳаракати қоидалари тарғиботини кучайтириш**га қаратилган Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин:

"**Йўл ҳаракати интизоми болаликдан бошланади**" шиори остида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчиларига йўлларда, чорраҳаларда ва пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланиш асосларини **амалий-кўргазмали тарзда ўргатиш**, уларнинг онгига болалигидан бошлаб йўл ҳаракати интизомини сингдириш;

мактабларда "**Ҳаракат хавфсизлиги синфхоналари**"ни, маҳаллаларда "**Йўл ҳаракатини ўргатиш майдончалари**"ни ташкил этиш;

в) **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ички ишлар вазири П. Р. Бобожонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б. Д. Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 4 апрель

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

# НИЗОМ ҲУДУДИЙ ИНСПЕКЦИЯЛАР УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАДИ

1-бет

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан ўтказиладиган бино ва иншоотларнинг инструментал техник текширув ишларини баҳолашнинг ягона ҳисоблаш тартибини белгилайди. Янги тартибга кўра, бино ва иншоотларда инструментал техник текширувни ўтказишда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- бино ва иншоотларнинг лойиҳа-смета ва техник ҳужжатларга мослигини текширувдан ўтказиш;
- бино ва иншоотларнинг конструктив ечими, режадаги шакли, габарит ўлчамлари, қаватлар баландлиги, антисейсмик чок орқали бўлмаларга (оцекларга) ажратилганлигини аниқлаш;
- пойдевор тури, юк кўтарувчи конструкциялари, ораёпмалар, том қисми, антисейсмик тадбирлар, конструкция материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари, қурилиш майдонининг ўзига хос хусусиятлари, реконструкция давомида мустаҳкамланганлиги ҳамда муҳандислик-геологик кўрсаткичлари ҳолатини тўлиқ аниқлаш;
- бино ва иншоотларда ёриқлар, бошқа шикастланишлар ва деформацияланиш жойларини аниқ белгилаш;
- ўлчов ишларини олиб бориш;
- олинган намуналарни инструментал-техник текширувдан ва лаборатория тадқиқотидан ўтказиш;
- инструментал-техник текширувлар, ўлчов ишлари, лаборатория ҳамда моделли тадқиқотларга мувофиқ бино ва иншоотларнинг зарарланиши ва конструкцияларидаги деформациялар асосида унинг техник ҳолатини баҳолаш.

Бино ва иншоотларнинг инструментал техник текширув ишларини баҳолаш мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ, Инструментал техник текширув ишларини баҳолашнинг ягона ҳисоблаш формуласи асосида амалга оширилади.

Маърузалар давомида семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, баъзи мавзулар қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди. Семинар қатнашчилари янги қабул қилинган Низом келгусида ҳудудий инспекциялар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтишди.

# "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВИДА БУНЁДКОРЛИК ҚИЗҒИН

1-бет

Президентимиз 2021 йил 21-22 январь кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Қоракўл тумани марказидаги "Дўрмон" МФЙ ҳудудида янги мактаб ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди. Мазкур ўқув муассасасида 330 нафар ўғил-қиз таълим олиши мўлжалланмоқда. Таълим даргоҳининг қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси ташаббуси билан "Шарқ плюс" МЧЖ пудрат ташкилоти бунёдкорлари томонидан амалга оширилмоқда. Бунёдкорлик ишларининг мантиқий давоми сифатида аҳоли пунктида 180 ўринли мактабгача таълим муассасаси қурилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда таълим ташкилотининг қурилиш лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда. Шу тариқа ҳудуд аҳолисига янада қулайликлар яратиш мақсадида замонавий тўйхона ва савдо маркази мажмуалари бунёд этилди.

Барча кўп қаватли уйлар муҳандислик-коммуникация тармоқлари, тоза ичимлик сув билан таъминланмоқда. Бундан келиб чиқадики, Қоракўл туманининг иккинчи маркази бўлиши кутилаётган "Янги Ўзбекистон" массиви барча учун унутилмас, сўлим ва гавжум гўшага айланади.

# "Қурилиш ресурслари миллий классификатори" лойиҳаси ишлаб чиқилди

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича йўл харитаси"нинг 27-бандида "Қурилиш материаллари миллий классификатори" электрон платформаси ишлаб чиқилиши белгиланган.**





Шу билан бирга, "Марказлашган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг бошланғич қийматини ҳисоблаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Товар хом-ашё биржаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа тегишли вазирлик (идора)ларнинг электрон маълумотлар базасига интеграция қилган ҳолда жорий этиладиган қурилиш материалларининг онлайн электрон каталоги асосида аниқлаш тизимини амалиётга татбиқ этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирликда Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси масъул ходимлари иштирокида юқоридаги масалалар юзасидан ўтказилган йиғилишда вазирлик томонидан ишлаб чиқилган "Қурилиш ресурслари миллий классификатори" лойиҳаси кўриб чиқилиб, фикр алмашилди.

# Шахмат мусобақаси ўтказилди



**Қурилиш вазирлиги марказий аппарати ходимлари ўртасида вазирлик биринчилиги шахмат мусобақаси ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 январдаги "Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4954-сонли қарорига мувофиқ вазирлик, идора ва ташкилотларда ҳар йили икки маротаба ходимлар ўртасида "Шахмат кунлари"ни ташкил этиш ва ушбу кунда ходимлар ўртасида шахмат бўйича мусобақалар ўтказиш белгиланган.



Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган мусобақада вазирлик ходимлари катта қизиқиш билан қатнашдилар.

Мусобақа натижаларига кўра, вазирликнинг Марказий бухгалтерия ходими Баҳром Сирлибаев биринчи, Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ходими Фарҳод Аҳунов иккинчи ва Ишлар бошқармаси ходими Ўзбекхўжа Аслонов фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа ғолиблари соврин ва совғалар билан тақдирландилар.

# Бухорада замонавий бошқарув компаниялари ташкил этилди

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бухоро вилояти ҳудудларидаги кўп квартирали уйларда фаолият кўрсатаётган иқтисодий ночор ширкатлар ўрнида замонавий бошқарув сервис компаниялари ташкил этилмоқда.**

Албатта, бунда асосий эътибор бошқарув сервис компаниясини таъсис этмоқчи ва танловда иштирок этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларининг кўп квартирали уйларга коммунал хизматлар кўрсатиш учун моддий-техник базасининг мустаҳкамлиги, соҳада етарли тажрибага эга бўлган мутахассис-кадрларининг мавжудлиги ва улар томонидан аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларнинг ҳар томонлама сифатли ташкил қилиниши каби омиллар эътиборга олинди. Шунингдек, бундай компаниялар шаффофлик, ошкоралик ва холислик тамойилларига асосланган баҳолаш мезонлари жараёнида бир неча рақобатчилар орасидан саралаб олинмоқда.

Бухоро вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан яқинда ўтказилган танлов жараёнида вилоят ҳудудларидаги кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатувчи 20 дан ортиқ иқтисодий жиҳатдан ночор УЖМШлар тугатилиб, уларнинг ўрнига 6 та янги Бошқарув сервис компанияларини тузиш жараёнида ҳам айнан ана шу жиҳатларга эътибор қаратилди.

Танлов шартларига биноан, ҳар бир иштирокчи томонидан тузилган бизнес лойиҳалар ва слайдлар нуфузли комиссия аъзоларига махсус конвертларда тақдим этилиб, талабгорлар ўз лойиҳасининг ҳимояси ва муҳокамасида иштирок этиш имкониятига эга бўлишди.

Холислик ва шаффофлик тамойиллари асосида ўтказилган танловда Бухоро, Когон шаҳарлари ва Вобкент туманидаги 237 та кўп квартирали уйда истиқомат қилувчи аҳоли вакилларининг розиликлари асосида ушбу ҳудудларда янги Бошқарув сервис компаниялари фаолияти йўлга қўйилди.

БСКлар қошида гилам ювиш, хонадонларни таъмирлаш, маиший жиҳозларга сервис хизматлар кўрсатиш, кўп квартирали уйларга туташ ер майдонларида гулзорлар барпо этиб, дарахтларни парваришлаш каби кўплаб замонавий хизмат турлари йўлга қўйилаётгани аҳоли томонидан илиқ қабул қилинмоқда.

Наманган вилояти

# Кичик саноат зоналарида нима гап?

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича Тўрақўрғон туманида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Оқтош шаҳарчасидаги "Ёшлар" кичик саноат зонасида "Муҳаммад, Имронбек, Шуҳрат" оилавий корхонасининг лойиҳаси бўйича икки қаватли замонавий бино қад ростлади. Уни жиҳозлаш бошланган бўлиб, тез орада ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.**

"Муҳаммад трейд индустри" оилавий корхонасида эса тикувчилик цехи ташкил этилади. Ҳозирча бу ерда қурилиш ишлари жадал суръатлар билан давом этяпти. Қурувчилар раҳбари Жасурбек Маҳмудовнинг айтишича, яқин кунлар ичида пардозлаш ишлари якунланади. 3,3 гектар майдонни эгаллаган "Ёшлар" кичик саноат зонасида 15 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган. Улардан бири "Рунамтекс" МЧЖга тегишли. Қад кўтараётган икки қаватли бинода тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш кўзда тутилган. Лойиҳага 3 миллион 800 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция жалб этилади. Асосан экспортга ишлайдиган мазкур корхона тўла қувват билан фаолият кўрсата бошлагач, 700 та иш ўрни яратилади.

Оқтошдаги ушбу КСЗда бундай истиқболли лойиҳалар кўп. Умумий қиймати 65,5 млрд сўмлик юмушлар учун тадбиркорларнинг маблағларидан ташқари 17,8 млрд сўмлик банк кредитлари йўналтирилади. Лойиҳалар рўёбга чиқарилиши туфайли 1 минг 500 дан зиёд меҳнатга лаёқатли аҳоли иш ўринлари билан таъминланади. Лекин "Ёшлар"дан фарқли ўлароқ тумандаги яна бир кичик саноат зонаси – "Парвоз"да ҳолат жуда мақтанарли эмас. Яқинда туман ҳокимлиги мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳ ушбу манзилга ташриф буюрди. Ўрганиш жараёнида қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши белгиланган муддатлардан кечикаётгани аниқланди. Йўл қўйилаётган сусткашликнинг сабабларини бартараф этиш йўллари кўрсатилди.

Қашқадарё вилояти

# Саноат корхонасининг иккинчи босқичи ишга тушди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қарши шаҳридаги "Sulton Tex Group" масъулияти чекланган жамияти корхонасининг аралаш ип-калава ишлаб чиқариш лойиҳасининг иккинчи босқичи ишга тушди.**

Лойиҳанинг дастлабки босқичи 2017 йилда 17 миллион АҚШ доллари инвестиция маблағларини ўзлаштириш ҳисобига ишга туширилган эди. Иккинчи босқичда эса корхонада қиймати 19 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция маблағлари ўзлаштирилиш ҳисобига, қўшимча 8,7 минг тонна аралаш ип-калава ишлаб чиқариш имкони яратилиб, корхонанинг ип-калава қуввати 15,7 минг тоннага етказилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, қўшимча 350 та янги иш ўрни яратилиб, корхонада доимий иш билан таъминланганларнинг сони эндиликда 600 нафарга етди. Уларнинг аксарияти дафтарларга киритилган фуқаролардир.

# Маҳалла биноси фойдаланишга топширилди

**Янгидан бунёд этилган "Кунчиқар" маҳалла фуқаролар йиғинининг биносида маҳалла раиси, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспектори учун алоҳида хоналар мавжуд.**

Улар замонавий техника воситалари ва мебель жиҳозлари билан таъминланган.

Сурхондарё вилояти

# Янги қурилган уйларда тўйлар бўлади

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сурхондарё вилоятида аҳолининг уй-жойга муҳтож қисми анчагина экани ислоҳотлар туфайли яққол кўзга ташланди. Бугунги кунда ҳукуматимизнинг бевосита кўмагида кўплаб оилалар ўзларининг замонавий турар жойларига эга бўлишмоқда.**

Ана шу йўналишга қаратилган чора-тадбирлар боис вилоятнинг Денов туманидаги Лочин маҳалласи ҳудудида яқинда 16 қаватли уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилди. 384 та хонадонга мўлжалланган ушбу кўп қаватли бино замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 9 апрелдаги "2020-2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида"ги қарорининг ижроси доирасида мана, иккинчи йилдирки, туман ҳудудида кенг қамровли қурилиш ва реконструкция ишлари жадал олиб бориляпти. Замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, мактаб, болалар боғчаси, кенг, равон йўллар, кўп қаватли турар жойлар ҳамда бошқа ижтимоий объектлар бирин-кетин бўй кўрсатиб, туман қиёфаси тубдан ўзгаряпти.

Фойдаланишга топширилган 16 қаватли уй энергия тежамкор лойиҳалар асосида бунёд этилган, шунингдек, қурилишда маҳаллий материаллар ишлатилганини таъкидлаш керак. Буларнинг барчаси уй-жой нархларининг одамлар кўнглидагидек бўлишини таъминлайди.

Кўп қаватли уйнинг янги хонадон соҳибаси Мафтуна Бобомуродованинг таъкидлашича, осмонўпар уйда яратилган қулайликлар пойтахтимиз Тошкентдагидан қолишмайди, деразани очиб, ён-атрофга қарасангиз туман ҳудуди худди кафтдай кўринади.

– Тўғрисини айтганда, яқин йиллар орасида туманимизда мана шундай баланд уйлар қурилишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирган эмасди, – деди у қувончини ичига сиғдиролмай. – Янги уйнинг атрофига разм солган киши унинг ҳамма томони ободонлаштирилиб, гуллар ва ҳар хил дарахт ниҳоллари экилганини кўриши мумкин. Энг асосийси фарзандларимизнинг дам олишлари учун мўъжаз спорт майдончалари ҳам қурилгани жуда қулай бўлган. Энди бундай кўркам манзарани ўзимиз авайлаб-асрасак янада яхши бўлади. Шундай шароитларни халқимизга яратиб бераётган давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

Янги уйларга кўчиб кираётганларга янада қулайликлар яратиш мақсадида бу ерда 120 ўринли замонавий мактабгача таълим ташкилоти барпо этилаётир. Шунингдек, 1 176 ўринли умумтаълим мактаби мукаммал таъмирланиб, қўшимча 360 ўринли янги бино қурилмоқда. Айтиш жоизки, мазкур массивда жорий йил ҳисобидан яна 450 хонадонга мўлжалланган саккизта 7, 9, 12 ва 14 қаватли замонавий турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, туманнинг Нурли манзил маҳалласида ҳам қад ростлаётган 180 хонадонли 6 та беш қаватли турар жой биноларида шу кунларда сўнгги қурилиш ишлар тугалланиш арафасида турибди. Демак, яқин орада уй-жойга муҳтож яна кўплаб хонадонлар аҳлининг бу муаммоси ечим топиб, янги қурилган уйларда тўйлар бўлади.

Самарқанд вилояти

# Мономарказ: ишлашни истовчилар учун имконият

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
ЎзА мухбири.






**Самарқанд шаҳрида ўтган йил май ойида иш бошлаган "Ишга марҳамат" мономарказида ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларга йигирмадан ортиқ йўналишда касб-ҳунар ўргатилмоқда.**

Марказда бугунги кунда техник ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги 9 та, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги 11 та касблар, учта хорижий тил ва тадбиркорлик курслари бўйича 630 нафар тингловчи ўқитилмоқда.

– Мономарказнинг энг афзал томони ишсиз ва банд бўлмаган фуқаролар шу ернинг ўзида йўлланмани расмийлаштириб, касб-ҳунар ўрганиши мумкин, – дейди Самарқанд вилояти бандлик бош бошқармаси бошлиғи Нажмиддин Сулаймонов. – Бу ерда яратилган шароит тингловчиларнинг танлаган касби бўйича қисқа муддатда малакали мутахассис бўлиш имконини беради. Чунки, ҳар бир касб-ҳунар бўйича сабоқлар амалий машғулотлар асосида олиб борилади.

Бугунги кунда юртимизда ногиронлиги бўлган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу асосда марказда ушбу тоифадаги фуқароларни касб-ҳунарга ўргатиш борасида амалий ишлар бошланди. Ҳозирда 45 нафар ногиронлиги бўлган фуқаролар касб-ҳунар ўрганмоқда. Асосан, улар тикувчилик ва эркаклар сартарошлиги йўналишида ўқимоқда. Келгусида бошқа касбларда ҳам улар учун махсус гуруҳларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Маълумотларга кўра, "Ишга марҳамат" мономарказини 2021 йилда 720 нафар тингловчи битирган. Уларнинг 453 нафарини аёллар, 267 нафарини эркаклар ташкил қилади. Битирувчиларнинг 90 фоизининг бандлиги таъминланган. Жорий йилнинг ўтган даврида 328 нафар тингловчи битирган бўлса, айни пайтда марказда 630 нафар фуқаро касб-ҳунар ўрганмоқда.

– Марказимизга қабул қилинган тингловчиларга белгиланган тартибда касб-ҳунар сирлари пухта ўргатилади, – дейди марказ директори Дилшод Пардаев. – Чунки, битирувчилар курсни якунлагач, уч босқичли якуний битирув имтиҳонидан ўтказилиб, уларга тегишли сертификатлар берилади. Якуний имтиҳонлардан ўтолмаган битирувчилар қайта тайёрланади. Биз яқин кунларда малакани баҳолаш бўлимини ташкил этишни режалаштираяпмиз. Сабаби – бизнинг мутахассисларимиз мутахассисликлари бўйича эксперт ҳисобланади. Бу кейинчалик корхона-ташкилотлардаги мутахассисларнинг малакасини баҳолаш имконини беради. Мазкур тизим иш берувчилар учун яна бир қулайлик ҳисобланади. Умуман, марказдаги ўқитиш жараёнларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида етти йўналиш бўйича туркиялик мутахассислар таклиф этилиб, ўқитувчиларга маҳорат дарслари ташкил этилди.

Шу пайтгача "Ишга марҳамат" мономарказини битирган тингловчиларнинг 250 нафарга яқини "Темир", "Аёллар" ва "Ёшлар" дафтарларида рўйхатга турган ишсиз фуқаролар ҳисобланади.

– Бир ойдан буён маиший уй-рўзғор электротехник буюмларни тузатиш устаси йўналишида ўқияпман, – дейди жомбойлик Жаббор Доноқулов. – Касбни ўрганиш учун шароитлар етарли, фақат қизиқиш бўлса бўлди. Шу пайтгача дазмол ва шу каби кичик буюмларни тузатишни ўзлаштириб олдим. Яна икки ой давомида ўқийман. Бу даврда бугунги кунда аҳоли хонадонларидаги энг оммабоп маиший техникаларни тузатишни ўрганиб, ўз маҳалламда устахона очаман. Чунки, жойларда бундай устахоналар йўқлигидан кўпчилик шаҳарга уста излаб келади.

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд касб-ҳунарга ўқитиш марказларидан ташқари узоқ ҳудудлардаги аҳолига қулайлик яратиш мақсадида касб-ҳунар марказларини ташкил этиш ишлари бошланган. Айни пайтда 38 та касб-ҳунар маркази фаолият юритаётган бўлса, яқин кунларда яна 84 таси иш бошлайди.


## "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**2022 йил 6 май куни соат 11.30 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Шокирариқ кўчаси, 100-хонадонда жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2022 йил 17 мартдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "Gold Finance Business" МЧЖ томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. 202201957002290-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 253 850 сўм.
2. 202201957002289-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 208 500 сўм.
3. 202201957002288-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 087 500 сўм.
4. 202201957002287-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 148 100 сўм.
5. 202201957002286-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 633 000 сўм.
6. 202201957002297-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 548 775 сўм.
7. 202201957002296-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 511 500 сўм.
8. 202201957002295-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 936 000 сўм.
9. 202201957002294-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 239 000 сўм.
10. 202201957002292-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 845 000 сўм.
11. 202201957002293-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 633 000 сўм.
12. 202201957002291-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 223 850 сўм.
13. 202201957002299-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 451 000 сўм.
14. 202201957002298-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 034 475 сўм.
15. 202201957002307-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 405 550 сўм.
16. 202201957002300-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 875 400 сўм.
17. 202201957002301-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 15 328 500 сўм.
18. 202201957002302-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 269 300 сўм.
19. 202201957002303-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 920 750 сўм.
20. 202201957002304-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 231 425 сўм.
21. 202201957002305-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 344 750 сўм.
22. 202201957002306-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 693 500 сўм.
23. 202201957002307-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 253 950 сўм.
24. 202201957002308-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 663 000 сўм.
25. 202201957002309-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 057 000 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан "Gold Finance Business" МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Истироҳат боғи кўчаси.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 6 май куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида"ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 0049 3216 8025 "Турон банк" АТБ Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Аукцион савдода қатнашиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz

**004059 рақамли гувоҳнома.**

## "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**2022 йил 6 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Сергели туманида жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2022 йил 8 февраль ва 24 мартдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "Kibray Kredit" МЧЖ томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. 202201957001201-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 125 275 сўм.
2. 202201957001193-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 12 904 500 сўм.
3. 202201957001194-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 845 000 сўм.
4. 202201957001195-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 087 500 сўм.
5. 202201957001196-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 768 750 сўм.
6. 202201957001197-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 344 750 сўм.
7. 202201957001198-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 299 100 сўм.
8. 202201957001199-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 057 000 сўм.
9. 202201957001200-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 996 000 сўм.
10. 202201957002369-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 511 500 сўм.
11. 202201957002368-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 996 500 сўм.
12. 202201957002367-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 223 850 сўм.
13. 202201957002366-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 148 000 сўм.
14. 202201957002365-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 299 500 сўм.
15. 202201957002364-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 754 100 сўм.
16. 202201957002363-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 814 700 сўм.
17. 202201957002362-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 390 500 сўм.
18. 202201957002361-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 602 700 сўм.
19. 202201957002360-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 739 050 сўм.
20. 202201957002359-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 753 300 сўм.
21. 202201957002358-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 057 000 сўм.
22. 202201957002357-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 261 525 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан "Kibray Kredit" МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент вилояти, Қибрай шаҳарчаси, Зебунисо кўчаси, 4-"а" уй.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 6 май куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида"ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТБ "Турон" банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, аукцион савдода қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz.

004059 рақамли гувоҳнома.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№24 (577) 2022 йил 5 апрель

# РАМАЗОН
## қалблар уйғониши, яшашга, янгиланишга, эзгу амаллар қилишга иштиёқ ортиши фурсати

*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.*
*Ўлкамизга ойларнинг султони, Аллоҳнинг муборак китоби – Қуръони карим нозил бўлган ой моҳи шарифи Рамазон ташрифи буюрди. Бу ой Қуръон, тақво, барака, раҳмат, мағфират, Аллоҳга қурбат ҳосил қилиши, жаннатга эришиш ва дўзахдан озод бўлиш ойидир. Шу боис, бутун дунё мусулмонлари бу табаррук ойни солиҳ амаллар ва Аллоҳ розилиги йўлидаги ибодатлар ойига айлантиради.*



**Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,**
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.

### ТИНЧЛИК БЎЛМАСА, ТЎЙ ТАТИМАЙДИ

Рамазон ойи гуноҳлардан ювилиб, дўзахдан паноҳ бўладиган ой. Ҳақ таоло барчамизни мана шундай муборак ойга насиб этиб турибди. Расулимиз алайҳиссалом марҳамат қилиб айтадиларки: **“Рамазон ойи кирганда жаннат эшиклари очилади, жаҳаннамга қулф солинади ва шайтонлар кишанланади”** (Имом Бухорий). Шу боис, ҳар йили юртдошларимиз ушбу ойни кўтаринки кайфият, ўзгача шукуҳ, алоҳида тайёргарлик ва катта хурсандлик ила кутиб олади.

Аллоҳга шукрки, масжидларда мўмин-мусулмонлар билан таровиҳ намозларини адо этамиз, хатми Қуръон ўқиймиз, юртимизга қут-барака ёғилишини Ҳақ таолодан сўраймиз. Бу йил юртимиздаги 1520 дан ортиқ масжидда хатми Қуръон қилинади, иншаалоҳ.

Мамлакатимизда бунинг учун барча шароитлар яратилган, имкониятлар етарли. Энг муҳими, икки бебаҳо неъмат ҳаётимизни, турмушимизни файзиёб қилиб турибди. Булар – юртимиз тинчлиги ва халқимиз саломатлиги. Расулимиз Муҳаммад ( с.а.в) **“Икки неъмат борки, кўпчилик унинг қадрига етмайди. Булар сиҳат-саломатлик ва тинчлик-хотиржамликдир”,** дедилар.

Бугун дунёнинг турли нуқталарида мувозанат бузилган: уруш, турли ихтилоф ва жанжаллар минглаб, миллионлаб одамларнинг ҳаётига хавф солиб турибди. Очлик, сарсон-саргардонлик тинкасини қуритаётган миллатлар, элатлар борлигини, афсуски, инкор эта олмаймиз. Дунё синовли кунларда яшаётган бир даврда Аллоҳ томонидан берилган неъматларни асраб-авайлаш олий бурчимиздир. Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, оқибатда, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй берди. Юртимиз тинч, тану қалбимиз саломат бўлса, турмушимизда фаровонлик, тўкинлик акс этади, ибодатларимизни тўла-тўкис адо этамиз.

Тинчлик бўлмаса, тўй татимайди, дейди доно халқимиз. Шукрки, мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Рамазон рўзасини тутиш, ибодатларда собит бўлиш учун давлатимиз томонидан барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Рамазон ойининг айни уйғониш мавсумидаги ташрифи қалбларимизга илиқлик бағишлайди. Кўклам ёмғирга сероб бўлди. Она замин оби раҳматга тўйинди. Бу халқимиз дастурхонига тўкинлик, ҳаётига файз киритади. Табиатга ҳамоҳанг рўзадор қалблар ҳам қайта уйғонади. Яшашга, янгиланишга, эзгу амаллар қилишга иштиёқимиз ортади.

Рамазон фазилати ҳақида Салмон (розияллоҳу анҳу) қилган ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): **“У аввали раҳмат, ўртаси мағфират ва охири дўзахдан озод бўлиш фурсати бўлган ойдир”,** деганлар.

### ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Куни кеча Президентимизнинг **“Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”**ги қарори эълон қилинди. Унда Рамазон ойида халқимизга хос меҳр-оқибат ва шукроналик туйғуларини юксалтириш, эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу қаратилгани барча мўмин-мусулмонларни мамнун этди.

Аллоҳга шукрки, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар, янгидан очилаётган масжид-мадрасалар, қайта чирой очаётган қадамжолар мўмин-мусулмонларни чексиз мамнун этмоқда.

Юртимиз бўйлаб қад ростлаган, муҳташам қиёфа касб этган масжидлар сони 2100 дан ошди. Сўнгги 5 йилнинг ўзида 70 га яқин янги масжид очилди, 200 дан зиёди қайта бунёд этилди. Бундай ишлар жадал давом этмоқда.

Охирги йилларда 3 та диний таълим муассасаси – Бухорода Мир Араб олий мадрасаси, Самарқандда Ҳадис илми олий мактаби ва Сурхондарёда Имом Термизий мадрасаси таъсис этилди, қабул квоталари бир неча баробар оширилди. Шунингдек, умра зиёрати бўйича ҳам катта натижаларга эришилди.

Пандемия туфайли умра зиёратига ҳам бир қатор чекловлар ўрнатилган эди. Жорий йил бошида яна йўллар очилиб, навбатда турган 23 минг юртдошимиз шу кунгача муборак сафарни адо этди. Яна бир ойдан зиёд вақт давомида 13 минг юртдошимиз Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилади.

Бир пайтлар Саудия Арабистонидаги меҳмонхоналарга ҳавас билан боқардик. Қачонлардир халқимиз ҳам мана шундай жойларда яшаб, ибодат қилиши мумкинлиги кимнинг хаёлига келибди дейсиз?! Аллоҳга шукр, бугунги ислоҳотлар самараси билан юртимиздан борган зиёратчилар беш юлдузли замонавий меҳмонхоналарга жойлаштирилмоқда. Мадина ва Макка шаҳарларида зиёратчилар учун шароитларни ҳозирлаш, Икки Ҳарам масжидига яқин меҳмонхоналарни танлаш, замонавий транспорт ва бошқа хизматлар сифатини ошириш каби ишлар амалга оширилди. Юртдошларимизнинг саломатлиги тиббиёт мутахассисларининг доимий эътиборида.

Бугун динимиз таълимотларини илмий ўрганиш ва кенг тараннум этишга ҳар қачонгидан кенг эътибор қаратилмоқда. Бу борада Марказий Осиёда ягона бўлган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази барпо этилмоқда.

Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий, Тошкентда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият юритмоқда. Шунингдек, турли ҳудудларда Ҳадис, Калом, Ақида, Тасаввуф, Фиқҳ илмий мактаблари иш олиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, барча ислоҳотлардан кўзланган мақсад – она Ватанимизни янада обод этиш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни асраш ва ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш. Мухтасар айтганда, барча соҳа ва йўналишлардаги ишлар “Инсон қадри учун” ғоясини ҳаётга татбиқ этишни кўзда тутади.

### ХАЙР-САХОВАТ ОЙИ

Моҳи Рамазонда адо этиладиган солиҳ амаллар эвазига мўмин-мусулмонлар жуда катта ажр-савобларга эришади. Рамазон ойида Аллоҳ таоло фарз қилган рўза тутилади, масжидларда таровеҳ намозлари адо этилади, хатми Қуръон ўқилади.

**Рамазон – Қуръон ойи.** Аллоҳ таолонинг каломи айнан шу ойда нозил бўлган. Ҳақ таоло бундай дейди: **“Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят манбаи ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир”** (Бақара сураси, 185).

Тафсир китобларида келишича, Қуръони карим Рамазон ойининг Қадр кечасида Лавҳи маҳфуздан дунё осмонига туширилган. Сўнгра йигирма уч йил давомида воқеа-ҳодисалар ривожига мувофиқ равишда бўлиб-бўлиб Пайғамбаримизга индирилган.

**Рамазон – хайр-саховат ойи.** Пайғамбаримиз бу ойда бошқа ойларга қараганда янада сахийроқ бўлиб кетардилар.

Рамазон инсонларни ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга, кексалар ва беморлар, яқинлар ҳолидан хабар олишга, муҳтожларга хайр-саховат қилишга чақиради. Шу орқали шахсда меҳрибонлик, хокисорлик, бағрикенглик фазилатларини тарбиялайди. Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: **“...Бирор нарсани (муҳтожларга холис) эҳсон қилсангиз, бас, (Аллоҳ), унинг ўрнини тўлдирур. У ризқлантирувчиларнинг яхшисидир”** (“Саба” сураси, 39-оят). Бинобарин, карамли инсон ҳеч қачон зиён кўрмайди, мол хайр-эҳсон қилиш билан камаймайди, балки савоб кўпаяди, Рамазон баракотидан исломий шахсият тўкис бўлади.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтадилар: **“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) одамларнинг энг саховатлиси эдилар. Ул зотнинг саховатлари Рамазон ойида – ҳар кеча Жаброил (алайҳиссалом) Ул зотга Қуръонни таълим бериш учун ҳузурларига ташриф буюрадиган пайтларда, айниқса, чўққисига чиқарди. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи васаллам) одамларга яхшилик билан мурувват кўрсатишда шиддат билан эсаётган шамолданда учқуррок эдилар”** (Имом Бухорий).

Шунинг учун ҳам қадимдан мусулмонлар Рамазон кирганда ҳар галгидан саховатлироқ бўлишга одатланган. Давлатманд кишилар закотларини айнан Рамазонда адо этиши ҳам шундан. Бу ойнинг баракасидан ҳар бир уй баҳраманд бўлиб, мўминлар қалбига хурсандлик ва шодлик кирсин учун одамлар алоҳида Рамазонга хос хайру эҳсони билан бир қаторда закотини ҳам шу ойда чиқаради.

### РАМАЗОН – РУҲ, ҚАЛБ ВА ТАН САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАШ УЧУН БИР ИМКОНИЯТ

Рамазон рўзаси шарофати билан руҳ, қалб ва тан нафсоний ҳаваслардан тийилади, тартибга келади. Инсоният диний амалларда собит туриб, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга, хайр-саховат улашишга, яхшиликлар қилишга интилади.

**Руҳ тарбияси.** Руҳ инсоннинг ҳаётий асоси, қувват манбаи. Шунинг учун инсон ўз умри давомида руҳий тарбияга мунтазам эҳтиёж сезади. Руҳан соғлом ва баркамол шахсгина кўзлаган манзилларига эриша олади, камолот касб этади. Рамазон ойида тоат-ибодатни, зикр ва истиғфорни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш руҳ ва қалбни поклаб, юксалтиради. Бу ойдаги барча хайрли амаллар, рўза ва ибодатлар руҳий комилликка хизмат қилади.

**Нафс тарбияси.** Нафс дунёвий неъматлардан баҳрамандликка интилиш бўлиб, унинг салбий жиҳатлари, оқибатлари сероб. Шунинг учун нафс ҳамиша тарбияга муҳтож. Рамазон ойи нафсни тарбиялашда ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Бинобарин, нафс тарбияси мўминнинг бирламчи вазифаси саналади. Ҳамма раҳмат ва неъматлар нафсни жиловлаш, унга ҳукмронлик қилиш ортидангина ёғилади. Нафсга эргашиш эса ёмонликларнинг пойдеворидир. Тарбия илмининг барча уламолари жамики яхшиликларнинг асоси нафсни тарбия қилиш, ёмонликларнинг асоси эса унга тобе бўлишда эканини таъкидлаб келади. Нафсига эргашмай, уни тарбиялаган киши ютуққа, муваффақиятга етишади. Нафсга фақат гумроҳ, ғофил кимсаларгина эргашади ва руҳий-маънавий тубанлашиб, ҳалокатга юз тутади. Улуғ мутасаввуф Аҳмад Яссавий ҳам бежиз:

***Нафсинг сени охир дамда гадо қилғай,***
***Дин уйини ғорат қилиб, адо қилғай,***
***Ўлар вақтда имонингдан жудо қилғай,***
***Оқил эрсанг нафси баддин бўлгин безор,*** дея уқтирмайди.

Инсон тирик экан, нафс унинг доимий ҳамроҳи, эҳтиёжи, талаби. Шу боис, нафс тарбияси кундалик заруратдир. Киши ўз нафси билан ҳар куни, ҳар кеча шуғулланиши керак. Рамазон ойи ҳам нафсни жиловлаш, бўйсундириш учун энг қулай фурсат ва имкониятдир. Рўза тутган инсон доимо Аллоҳ таолонинг кузатувида эканини ҳис қилади ва ўзи ёлғиз қолганида ҳам рўзасини очишга журъат этмайди.

**Ирода тарбияси.** Рамазон рўзаси шахсни иродали қилиб тарбиялайди. Ирода қувватидан нафсга бўйсунилмайди, адолатсизлик қилинмайди, Аллоҳ розилиги йўлида рағбатлардан четлашилади. Тонг отгандан қуёш ботгунига қадар емоқ-ичмоқ ва нафсоний ҳаваслардан тийиладиган киши, заифлашмайдиган иродали, азми-қарори қатъий, қалби пок ва бақувват инсонга айланади. Чунки у ҳеч кимнинг олдида заифлашмайди, барқарор ривожланади. Агар инсон рўза мактаби ахлоқларидан бўлган шу олиймақом хулқни шакллантира олса, икки дунёда ҳам азиз ва мукаррамлардан бўлади.

**Сабр тарбияси.** Сабр соҳибини юксакларга кўтарадиган, унга нусратни нақд қиладиган гўзал хулқлардандир. Ҳадиси шарифларда келишича, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Билингки, нусрат сабр билиандир, кушойиш машаққат билиандир ва албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир”, “Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”, “Ҳар бир сабр ортидан ажру мукофот бордир”,** дея таълимот берадилар. Инсон ўз сабр-қаноати билан дунё машаққатларини енгиб ўтишга қодир. Рамазон рўзасида енгилтаклик ва бесабрлик тарбияланади, очликда, ғазаб келганда тийилиш орқали инсоннинг сабри янада мустаҳкамланади.

**Хушфеъллик, хушмуомалалик тарбияси.** Хушфеъллик, ширин муомала ҳар қандай муаммо-азиятга гўзал ечим беради, қалбларни туташтиради, яхшиликка ундайди. Шу боис, Рамазон ойи инсониятни янада хушфеъл, хушмуомала, ширин сўзли бўлишга чақиради. Саҳиҳ ҳадиси шарифда бундай марҳамат қилинади: **“Рўза қалқондир. Бирингиз рўза тутса жанжаллашмасин, бақир-чақир, фисқу фужур қилмасин. Агар уни бирортаси ҳақоратласа, мен рўзадорман, десин”.** Ҳа, инсондаги қанча-дан-қанча хунук сўз, ҳақорат қилиш, тили ўткирлигига рўза бир сўз билан қатъий жавоб қайтаради.

### ДУОЛАР ҚИЛАЙЛИК...

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадиси шарифида рўзадорнинг сифатлари зикр этилиб, **рўзадорнинг дуоси мақбулдир, дейилди.** Чунки инсон Аллоҳ таоло учун нафсининг орзуларини тарк этгани боисидан дуоси ижобат бўлади. Шунинг учун ҳам бу қутлуғ ойда чин қалбдан, ич-ичдан, дунё ва охират саодатини астойдил сўраб дуолар қилишимиз керак.

Рамазон ойининг ҳар кунида қабул бўладиган бир дуо бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб дедилар: **“Албатта, Рамазоннинг ҳар кунида барча мусулмонлар учун қабул бўладиган бир дуо бор”** (Имом Аҳмад).

Биз Парвардигори оламнинг раҳмат ва мағфирати жўш уриб, Ер юзига илоҳий нурлар ёғиладиган ойда турибмиз. Ушбу ойни ғанимат билиб, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва ризқимиз тўкинлигини Аллоҳ таолодан сўрайлик.

Рамазони шариф ҳар бир хонадонга, жонажон юртимизга қут-барака, соғлиқ- омонлик ва бахту саодат ҳамда файзу футуҳ олиб келсин!

***Барчамизга фазилатли Рамазон ойи муборак бўлсин!***

*(“Янги Ўзбекистон” газетасидан олинди).*

# Жаннатмонанд Ватанни ким қуради?

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугун орамизда ўн икки ойнинг султони бўлмиш муборак Рамазон ойининг барокатли кунларини интиқлик билан кутиб олган қурувчи-бунёдкорлар бисёр. Улар бевосита рўза амалини бажарган ҳолда, ўзларининг меҳнат фаолиятларини давом эттиришади. Шу мавзуда Ислом цивилизацияси маркази қурилишида иштирок этаётган қурувчиларнинг фикрлари билан қизиқдик.**

**Шерзод АБДУҚАҲҲОРОВ,** пайвандчи:

– Қурилиш-реконструкция жараёнларида иштирок этаётганимга ўн йил бўлди. Бу соҳанинг ўзига муносиб қийинчиликлари ва ноқулайликлари бор. Аммо булар рамазон амалларини бажармасликка сабаб бўлмаслиги керак. Ҳозирда Ислом цивилизацияси маркази қурилишида пайвандлаш ишларини бажаряпман. Жамоадагиларнинг ҳам рамазон амалларига эътиқоди мустаҳкам. Куннинг қай пайти бўлмасин белгиланган иш режаларидан ортда қолмасдан фарзларини адо этишади.

Қурилишда ишлашимга акам сабабчи бўлган. У киши 12 йиллик қурувчи. 2010 йилдан буён иншоот ишлари билан шуғулланаман.

Ислом цивилизацияси маркази нафақат мамлакатимизнинг, балки бутун мусулмон оламининг диққат эътиборидаги йирик лойиҳадир. Бу табаррук марказнинг қурилишида иштирок этаётганимдан мамнунман. Албатта, барча қатори биз ҳам рўза амалларини ўз ўрнида, сифатли бажаришга ҳамда бевосита қурилиш жараёнларида ҳам фаол иштирок этишни мақсад қилганмиз.

**Шиддат ҚУРБОНОВ,** қурувчи:

– Исломдаги амаллари фуқароларимизнинг ўзлигини кўрсатувчи унсурдир. Хусусан, рўза тутиш нафақат диний, балки инсон саломатлиги учун ҳам яхшидир. Биз қурувчилар ҳам рўза арафасида яхши ниятлар билан иш фаолиятини давом эттиряпмиз. Рўза тутишимиз иш фаолиятимизга таъсир қилмайди.

Ҳозирда Ислом цивилизацияси марказининг қурилишида 20 га яқин жамоамиз билан бетонлаш, монтаж ишларини олиб боряпмиз. Қурилиш қизиқ жараён, айниқса, Ислом цивилизация маркази қурилиши мен учун айри бир хотира бўлиб қолади. Келажакда бу ерда қанчадан-қанча муборак китоб ва қўлёзмаларнинг тадқиқотлари олиб борилади. Ўрганилади. Ўйлайманки, илм-маърифат маркази бўлиши кутилётган мазкур иншоот юртимизнинг дин соҳасида янада тараққий этишига хизмат қилади.

Жаннатда шундай хоналар борки, ташқаридан унинг ичи, ичкарисидан ташқариси кўринади. Уйларни омонлик ва хотиржамлик қуршаган, сувларнинг майин жилдираши эшитилади. Уйлар атрофида гўзал ишкомлар, дарахтлар бор. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Жаннатда бир дарахт борки, отлиқ киши унинг соясида юз йил юриб ҳам, ундан ўтолмайди”, деб марҳамат қилганлар. Ватаннинг жаннатга қиёсланиши бежиз эмас. Ўлкамизнинг турли бурчакларида амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнлари меҳнаткаш халқимизнинг ушбу зоҳирий туйғуларни теран англаганлигидандир. Жаннатмонанд ўлкани бунёд этишда эса қурувчиларнинг ўрни беқиёс. Ўлка равнақи йўлида ўзларининг метин иродаси, эътиқоди билан иш фаолиятларини олиб бораётган қурилиш соҳаси вакиллари чинакам ирода эгалари. Ўлкамизнинг ташқи кўринишига ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган муҳандислар аслида ҳам жаннатмонанд Ватаннинг бунёдкорларидир.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## Апрель ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Беҳзод Эргашов,** Пудрат бозорини ривожлантириш ҳамда қурилиш-лойиҳа ташкилотлари рейтингини юритиш бошқармаси бош мутахассиси **Дилмурод Элибоев,** Қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси бош мутахассиси **Хасан Джумаков,**

Андижон вилояти, Асака тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режани амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Аҳрорбек Тожибоев,**

Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҚМИ бўлими етакчи мутахассиси **Азиз Ҳомидов,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник холатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Бекзод Ахмедов,**

Самарқанд вилояти, Ургут тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Бахтиёр Соатов,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд филиали компьютер бўйича мутахассиси **Вераника Соколенко,**

Тошкент вилояти, Зангиота тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Улуғбек Собиров,**

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси кадрлар бўлими ва махсус ишлар нозири **Марҳабо Бекчанова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир – **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари – **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи – **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ – **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-443.
2239 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 22.05.
Топширилди – 22.50.

1 2 3 4 5 6